

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК: ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ**Умарова Малика Нематжановна**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Иқтисодий ва молиявий хавфсизлик кафедраси, доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15696044>

Аннотация. Мазкур мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Муаллиф ушбу соҳанинг иқтисодий ва ижтимоий функцияларини ёритиб, унинг бандлик даражасини ошириш, рақобат муҳитини шакллантириш, инновациялар жорий этиш ва ҳудудий ривожланишини таъминлашдаги ролини асослаб беради. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати, унинг амалий натижалари ҳамда истиқболли йўналишлари кенг ёритилган. Тадқиқот натижаларига кўра, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш иқтисодий ўсиш, ижтимоий барқарорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши таъкидланган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, иқтисодий функциялар, давлат сиёсати, иш ўринлари, инновация, ижтимоий барқарорлик, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий хавфсизлик, Ўзбекистон.

Кириш

Бозор муносабатларига асосланган замонавий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли тобора ортиб бормоқда. Жаҳон тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва ижтимоий фаровонлигида кичик тадбиркорлик субъектлари ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Айниқса, глобал иқтисодий инқирозлар, пандемия ва геосиёсий беқарорликлар шароитида кичик бизнес субъектлари иқтисодий тизимда мослашувчанликни таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда¹.

Кичик бизнес фаолияти орқали аҳолининг кенг қатламлари учун иш ўринлари яратилади, даромад манбалари кенгайди ва ички бозор рағбатлантирилади. Шу билан бирга, хусусий тадбиркорлик инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, янги товар ва хизматлар яратиш ҳамда рақобатбардош иқтисодиёт шаклланишига хизмат қилади. Бундай шароитда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликдан сўнг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Соҳани ҳукуқий, ташкилий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби соддалаштирилди, солиқ ва кредит сиёсатлари орқали рағбатлантириш чоралари кўрилди, янги бизнес ташаббусларига йўл очилди. Шу билан бирга, кичик бизнеснинг ҳудудий ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланди².

Мазкур мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти, уларни ривожлантиришдаги муаммолар ва истиқболли йўналишлар таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсати контекстида кичик тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги ўрнига ҳам тўхталиб ўтилади.

Асосий қисм

Кичик бизнеснинг иқтисодий функциялари. Кичик бизнес ҳар қандай мамлакат иқтисодий тизимининг асосий устунларидан бири ҳисобланади. У нафақат иш ўринларини

¹ Ашуров, Қ.Қ., Кўчқоров, Ҳ.Қ. Тадбиркорлик асослари: Дарслик. – Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2022. – 312 б.

² Сайфуллаев, Н.Р. Бизнес режалаштириш. – Т.: Fan va texnologiya, 2020. – 208 б.

яратиш, балки ички бозорни мувозанатлаштириш, давлат бюджети даромадларини ошириш, инновацион фаолиятни фаоллаштириш ва регионал ривожланишни таъминлаш каби бир қатор муҳим иқтисодий функцияларни бажаради. Мазкур функциялар замонавий иқтисодиётда кичик бизнес субъектларининг ўрнини янада мустаҳкамлайди.

1. Иш ўринлари яратиш ва бандлик даражасини ошириш

Кичик бизнеснинг энг муҳим иқтисодий вазифаларидан бири – аҳоли бандлигини таъминлашдир. Айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва кам таъминланган аҳоли қатламлари учун янги иш ўринлари яратиш орқали уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришда кичик бизнес муҳим омил сифатида намоён бўлади. Ишсизликни камайтириш, ички меҳнат бозорини барқарорлаштиришда хусусий сектор фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

2. Бозорни товар ва хизматлар билан тўлдириш

Кичик бизнес субъектлари турли соҳаларда фаолият юритгани сабабли, улар мамлакат ички бозорини талабга мос, рақобатбардош ва харидорбоп товар ҳамда хизматлар билан таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчилар танлов имкониятини оширади, нархлар мувозанатини сақлашга хизмат қилади ва бозорда соғлом рақобат муҳитини шакллантиради.

3. Инновацияларни жорий этиш ва технологик янгиланишга ҳисса қўшиш

Кичик тадбиркорлик субъектлари кўпинча янги ғоялар, маҳсулотлар ва ишлаш усулларини амалга татбиқ этишда фаол бўлади. Чунки улар катта компанияларга нисбатан тез ҳаракат қилувчи, флексибил ва хавфни қабул қилишга тайёр бўлади. Бу хусусиятлар кичик бизнесни инновация жараёнларининг муҳим иштирокчисига айлантиради. Айниқса, рақамли технологиялар, электрон тижорат, сервис хизматлари соҳасида бундай мисоллар кўп учрайди.

4. Солиқ тушумлари орқали давлат бюджетига ҳисса қўшиш

Кичик бизнес субъектлари давлатга турли шаклларда солиқ тўлайдилар: ягона солиқ, даромад солиғи, ижара ва фойда солиқлари каби. Ушбу тушумлар давлат бюджети даромадларининг аҳамиятли қисмини ташкил этиб, ижтимоий лойиҳалар ва инфратузилма ишларини молиялаштириш учун муҳим манба ҳисобланади. Кичик бизнес субъектларининг кенгайиши бу маблағларнинг ортишига олиб келади.

5. Худудий иқтисодий тараққиётга хизмат қилиш

Кичик тадбиркорлик айниқса қишлоқ жойларда, аҳоли кам истиқомат қиладиган худудларда иқтисодий фаолликни жонлантиришда муҳим роль ўйнайди. У маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш, транспорт ва логистика тизимини ривожлантириш, маҳаллий маҳсулотларни бозорга олиб чиқиш имкониятини яратади. Бу эса худудий иқтисодий тенгсизликларни юмшатишга кўмаклашади.

Хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий аҳамияти

Хусусий тадбиркорлик жамиятда фақат иқтисодий жараёнларни эмас, балки ижтимоий барқарорлик, аҳоли фаровонлиги ва фуқароларнинг фаол ҳаётда иштирокини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Бу соҳадаги фаолиятлар жамиятнинг кенг қатламлари манфаатларига хизмат қилади ҳамда давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишда самарали воситага айланади.

Хусусий тадбиркорлик орқали аҳолининг ишсизлик даражаси пасаяди, айниқса ёшлар ва аёллар ўртасида меҳнат фаоллиги ошади. Кичик корхоналардаги иш ўринлари кўпинча маҳаллий аҳоли учун мўлжалланган бўлиб, уларга ўз худудида даромад топиш имконини яратади. Бу, ўз навбатида, ички ижтимоий тенгликни мустаҳкамлайди.

Тадбиркорлик фаолияти ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалар — ногиронлар, кам таъминланганлар, ишсизлар учун янги имкониятлар эшигини очди. Ҳукумат ва нодавлат ташкилотлари орқали шундай тоифаларга қаратилган грантлар ва имтиёзли кредитлар уларнинг иқтисодий мустақилликка эришишида катта роль ўйнайди.

Кўпгина хусусий корхоналар фақат тижорат мақсадларини эмас, балки ижтимоий масъулиятни ҳам ўз зиммасига олади. Улар таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида турли хайрия ва ижтимоий лойиҳаларда иштирок этишади. Бу эса хусусий сектор

билан жамият ўртасида ишончли ва барқарор алоқаларни вужудга келтиради.

Хусусий тадбиркорлар қишлоқ ва чекка ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, янги дўконлар, устахоналар, хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил этиш орқали аҳоли турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатадилар. Бу жараён маҳаллий иқтисодиёт билан бирга ижтимоий муҳитнинг ҳам ривожланишига туртки беради.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, бу борада тизимли, босқичма-босқич ва мақсадли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Президент фармонлари³, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва турли дастурлар асосида бу соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш жараёнлари рақамлаштирилди, лицензиялаш ва рухсат бериш жараёнлари қисқартирилди. «Ягона дарча» тамойили жорий қилиниши орқали тадбиркорлар давлат органлари билан муносабатларни енгилроқ ва шаффоф тарзда амалга ошира олишмоқда.

Кичик бизнесни рағбатлантириш мақсадида тижорат банклари орқали имтиёзли кредитлар ажратиш, давлат кафолати ва субсидиялар бериш амалиёти кенг йўлга қўйилган. Тадбиркорлик субъектлари учун махсус жамғармалар ташкил этилган бўлиб, улар янги бизнес ғояларни молиялаштиришга хизмат қилади. Айниқса, аёллар ва ёшлар тадбиркорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари учун муайян солиқ тўловларидан озод қилиш, божхона тўловларида енгилликлар бериш орқали бизнес юритиш харажатлари камайтирилмоқда. Бу эса кичик бизнеснинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбиркорликни бошламоқчи бўлган шахслар учун махсус ўқув курслари, тренинглар ва маслаҳат хизматлари ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртлари ва тадбиркорлик марказлари орқали амалий билим ва кўникмалар бериш, бизнес-режа тузиш, маркетинг стратегияларини шакллантиришда ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги ролини мустаҳкамлаш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда мазкур соҳа иқтисодиётни диверсификациялаш, иш ўринлари яратиш, инновацияларни жорий этиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим механизми сифатида қаралмоқда. Давлат томонидан ушбу соҳани рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар бир нечта асосий йўналишларда амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини эркинлаштириш ва қонунчиликдаги тўсиқларни камайтириш мақсадида бир қатор Президент фармонлари, қарорлари ва қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун⁴, шунингдек, “Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил” институтининг жорий этилиши бу соҳадаги ҳуқуқий кафолатларни янада мустаҳкамлади.

Сўнгги йилларда давлат хизматларини рақамлаштириш орқали тадбиркорлар учун ҳужжатларни топшириш, рўйхатдан ўтиш, ҳисобот бериш жараёнлари анча соддалаштирилди. «Ягона дарча» ва «Ягона интерактив давлат хизматлари портали» (my.gov.uz) орқали кўплаб жараёнлар онлайн тарзда амалга оширилаётгани, коррупцион ҳолатларни камайтиради ва вақтни тежайди.

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор давлат дастурлари амалга

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПФ–60-сонли Фармони “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” // www.lex.uz

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2021.

оширилмоқда. Айниқса, Тадбиркорликни ривожлантириш жамғармаси, Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ёшлар тадбиркорлигига оид махсус кредит линиялари орқали тадбиркорларга имтиёзли шартларда кредитлар, кафолатлар ва субсидиялар тақдим этилмоқда. Бу орқали янги лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига имконият яратилмоқда.

Сўнгги йилларда кичик бизнес учун солиқ юки анча камайтирилди. Солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ ставкаларини пасайтириш, ягона солиқ тўлови механизмлари жорий этилиши хусусий сектор учун қулай шароит яратди. Шунингдек, зарур хомашё ва ускуналарни импорт қилишда божхона имтиёзлари берилиши кичик корхоналарнинг техник базасини яхшилашга ёрдам беради.

Кичик бизнесни самарали ташкил этиш учун тадбиркорлик билимлари ва қўникмаларини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда “Бизнес-марказлар”, “Инкубация платформалари”, “Тадбиркорликка ўргатиш марказлари” фаолият юритмоқда. Шунингдек, олий таълим муассасаларида “Тадбиркорлик асослари” фанини ўқитиш орқали ёшларнинг бизнесга тайёргарлиги кучайтирилмоқда.

Ҳукумат томонидан аёллар ва ёшлар тадбиркорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” орқали моддий ёрдам, имтиёзли кредитлар, таълим ва касбга ўқитиш каби чоралар кўрилмоқда. Шу билан бирга, чекка ва қишлоқ ҳудудларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали ҳудудий иқтисодий тенглик таъминланмоқда.

Хулоса

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик салоҳиятга эга бўлган тармоқларидан бири сифатида иқтисодий ўсиш, ижтимоий барқарорлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Мазкур соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати кенг камровли ва тизимли бўлиб, унинг натижалари мамлакат иқтисодий ҳаётида ўз аксини топмоқда.

Иш ўринлари яратилиши, аҳолининг иқтисодий фаолликка жалб қилиниши, янги бозорлар ва товарлар вужудга келиши, ҳудудлар ривожини ҳамда инновацияларнинг жорий этилиши – буларнинг барчаси кичик бизнеснинг амалий натижалари сифатида намоён бўлмоқда. Хусусий тадбиркорлик орқали аҳолининг турмуш даражаси оширилаётгани ва ижтимоий тенглик таъминланиши мустақамланаётгани эътиборга лойиқдир.

Келгусида мазкур соҳадаги ривожланишни янада жадаллаштириш учун қуйидаги йўналишлар устувор бўлиши мақсадга мувофиқ:

- Солиқ ва кредит сиёсатини янада либераллаштириш;
- Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш;
- Бизнес инфратузилмасини (логистика, рақамлаштириш, таълим) такомиллаштириш;
- Тадбиркорлик маданиятини шакллантириш ва ёш авлодни унга жалб қилиш.

Шу тарзда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши нафақат иқтисодий, балки ижтимоий тараққиётнинг ҳам муҳим омилларидан бири бўлиб қолаверади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2021.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПФ–60-сонли Фармони “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” // www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 мартдаги ПҚ–97-сон қарори – “2023–2024 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури тўғрисида”. – Тошкент, 2023.

5. Ашуров, Қ.Қ., Қўчқоров, Ҳ.Қ. Тадбиркорлик асослари: Дарслик. – Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2022. – 312 б.
6. Мўминов, Н.Р. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 256 б.
7. Сайфуллаев, Н.Р. Бизнес режалаштириш. – Т.: Fan va texnologiya, 2020. – 208 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2023 йил яқунлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги кўрсаткичлар. // www.stat.uz
9. World Bank. (2023). Doing Business in Uzbekistan – Country Profile 2023. Washington, DC: World Bank Group.
10. OECD. (2022). SME and Entrepreneurship Policy Review: Uzbekistan 2022. Paris: OECD Publishing.